

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**МАҚСЕТОВА ФАРИДА АЗАТОВНА**

**«САЁТХОН-ҲАМРО» ДОСТОНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ВЕРСИЯСИ**  
**ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

<b>Максетова Фарида Азатовна</b> «Саётхон-Хамро» достони қорақалпоқ версияси типологияси .....	3
<b>Максетова Фарида Азатовна</b> Типология каракалпакской версии дастана «Саятхан-Хамра» .....	25
<b>Maksetova Farida Azatovna</b> Typology of the Karakalpak version of the «Sayatkhan-Namra» dastan .....	47
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**Dsc.02/30.12.2019.FII.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚОРАҚАЛПОҚ ГУМАНИТАР ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**МАҚСЕТОВА ФАРИДА АЗАТОВНА**

**«САЁТХОН-ҲАМРО» ДОСТОНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ВЕРСИЯСИ**  
**ТИПОЛОГИЯСИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Fil909 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Хошниязов Жалғасбай Хошниязович филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Ярматов Исамидин Тургунович филология фанлари доктори, профессор  Алламбергенов Хамза Камалович филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.02/30.12.2019.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» апрель со-  
ат 1900 даги мажлисида бўлиб ўтди (манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кучаси, 5-  
уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13.  
Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2021 йил «8» апрель куни тарқатилди  
(2021 йил «8» апрель даги 8 -рақамли ресср баённомаси).



Б.Тухтаев  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
филол.ф.д., профессор

Л. Худайкулова  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Ш. Турдимов  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д.

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мазмуни)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижодининг ўзига хос миллий хусусиятлари, тарихий асослари ва ривожланиш босқичларининг бадий-эстетик қонуниятларини ойдинлаштиришга алоҳида эътибор бериш билан бир қаторда дostonчилик мактабларининг ўзаро таъсири, анъанавий сюжетлар генезиси ва типологиясини ёритишга қаратилган тадқиқотлар кўлами ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Натижада муайян бир тиллар оиласига мансуб халқларнинг эпик ижодиётида оммалашган муштарак эпик сюжетларнинг генетик асослари аслида мифологик эпоснинг архаик сюжетларига бориб тақалиши ҳақидаги назарий қарашлар чуқурлаштирилди. Эпосшуносликдаги бундай янги илмий-назарий концепциялар, айниқса, ишқий-саргузашт дostonларнинг ўзига хос табиати, типологик хусусиятлари ва бадий эволюциясига доир тадқиқотларни юқори босқичга кўтарди. Бу эса «Саётхон-Ҳамро» дostonи қорақалпоқ версиясини типологик жиҳатдан тадқиқ этиш учун ҳам назарий манба вазифасини ўтайди.

Дунё фольклоршунослигидаги эпик турга мансуб жанрларнинг шаклланиш тарихи, тадрижий ривож ва таснифи масалаларига бағишланган янги тадқиқотлар халқ эпосини мавзу типларига кўра тасниф қилишда фольклор анъаналарининг миллий хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимлигини кўрсатди. Эпос назариясига доир қарашларнинг янгиланиши эпик сюжетларнинг тадрижий ривож натижасида турли версия ва вариантларнинг шаклланиш тамойилларини аниқлашга қаратилган тадқиқотларни юзага келтирди.

Бугунги кунда халқимиз бадий тафаккурининг тараққиётига катта таъсир кўрсатган бахшичилик санъати анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, асрлар давомида яратилиб, сайқал топган бебаҳо эпик асарлар – дostonларни илмий ўрганиш ва нашр этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳар жиҳатдан баркамол ёш авлодни тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсадларга хизмат килмоқда. «Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор»<sup>1</sup>. Бинобарин, қорақалпоқ дostonларининг генезиси, типологияси ва поэтикасини ҳозирги замон жаҳон фольклоршунослиги концепциялари асосида таҳлил қилиш миллий маданиятнинг қадимийлигини асослашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат маданиятини ривожлантириш – халқимиз маънавий олаёвон юксалтиришининг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.

2995-сон “Қадимий ўзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сон “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ-304-сон “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I: “Демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фольклоршунослигида халқ дostonлари сюжетининг тарихий-генетик асослари ва типологик алоқаларнинг эпик анъана ривожидида тутган ўрни масаласи В.М. Жирмунский, В.Я. Пропп, Е.М. Мелетинский, Б.Н. Путилов сингари олимлар томонидан тадқиқ этилган.<sup>1</sup>

Қорақалпоқ ишқий-саргузашт дostonлари орасида «Саётхон-Ҳамро» дostonи шу пайтгача қиссий-типологик томондан монографик тарзда ўрганилмаган бўлса-да, таниқли немис олими К.Райхл қорақалпоқ халқ дostonларининг жанр хусусиятлари, генетик асослари, бадний эволюцияси ва туркий халқлар фольклоридаги эпик сюжетлар билан алоқадорлиги масалаларига эътибор қаратган<sup>2</sup>.

Ишқий-саргузашт дostonларининг типологик хусусиятларига алоқадор айрим масалалар ўзбек фольклоршунослари томонидан тадқиқот доирасига тортилган<sup>3</sup>. “Саётхон-Ҳамро” дostonининг ўзбек версияси ҳақида

<sup>1</sup> Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. – Л.: Наука, 1974; Шу муаллиф Народный героический эпос: сравнительно-исторические очерки. – М.–Л.: Изд-во худож. лит., 1962; Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение: Восток и Запад. – Л.: Наука, 1979; Пропп В.Я. Русский героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1958; Мелетинский Е.М. Происхождение героического эпоса. Ранние формы и архаические памятники. – М.: Наука, 1963; Мелетинский Е.М. Введение в историческую поэтику эпоса и романа. – М., 1989; Путилов Б. Н. Героический эпос и действительность. – Л.: Наука, 1988; Путилов Б. Н. Экскурсы в теорию и историю славянского эпоса. – СПб., 1999; Путилов Б. Н. Эпическое сказительство: типология и этническая специфика. – М.: Наука, 1997.

<sup>2</sup> Райхл К. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура (перевод с немецкого В. Грейтер). – М.: 2008. – С.384.

<sup>3</sup> Мирзая Т. Сарысақов Б. Дoston, унинг турлари ва тарихий таракюети // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 9-61; Рахманов Н.А. Орхон-Енисейские памятники и тюркские эпосы. Автореферат канд. дисс. филол. наук. – Тошкент. 1991. – Б. 38; Жўраев М., Фольклоршунослик асослари. – Тошкент: Фан, 2009. – Б. 75-96; Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек анфологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001; Жўраев М. Расулова З. Миф, ивросим ва эртик. – Тошкент: Miltioz so'z. 2014. – Б.308; Турдыев Ш. «Гўрўгли» дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан. 2011. – Б.240; Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дон. – Тошкент: Фан. 1990; Эшонкулов Ж. Фольклор: образ ва талқин. – Қарши: Насаф, 1999. –Б.169.

С. Рўзимбоев, О. Мадаев каби олимларнинг қимматли фикр-мулоҳазалари мавжуд<sup>1</sup>. Ж. Қобулниёзовнинг кўрсатишича, «Хоразм ва қорақалпоқ бахшилари орасида «Саъд ва Ҳамро» достонини куйламайдиган санъаткор йўқ деб айтиш мумкин. Масалан, Хоразмда таниқли бўлган Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши), Эшнияз бахши Бобожон ўғли, Жумабой бахши Худайберган ўғли, Худойберган Ўтаган ўғли, Хўжамурот бахшилар ва қорақалпоқ бахшиларидан Жапақ бахши, Эшжан бахши, Аман бахши кабилар ушбу достонни тўй-маракаларда, турли йиғинларда, тантанали сайилларда завқ билан ижро қилиб келганлар»,<sup>2</sup> деган фикрлари ҳақиқатдан йироқ эмас. Достоннинг хоразмлик бахши ва халфалар репертуарида оммалашган миллий версиясининг ўзига хослиги ва типологияси У.Б. Бобожонова томонидан тадқиқ этилган.<sup>3</sup> У мазкур достоннинг қорақалпоқ версияси ҳақида ҳам муайян илмий қарашларни илгари сурган<sup>4</sup>.

Бу достон хусусида туркман, озарбайжон ва турк олимлари ҳам бир қатор тадқиқот ишларини олиб боришган<sup>5</sup>. Айрим илмий манбаларда достоннинг эрон ва араб фольклорида ҳам мавжудлиги ҳақида маълумотлар учрайди<sup>6</sup>.

«Саётхон-Ҳамро» достонининг қорақалпоқ версиясининг икки варианты чоп этилган бўлиб, 1985 йили қорақалпоқ фольклори кўптомлигининг XIV томида бахши Минаж Матсапаев варианты, 2011 йили қорақалпоқ фольклори кўптомлигининг 36-томида Жуман бахши варианты эълон қилинган. Ушбу вариантлар достоннинг қорақалпоқ версиясининг тўлиқ ва мукамал вариантлари қаторидан жой олди. Достоннинг бошқа халқлар версиялари билан қиёсий таҳлили ана шу икки вариант асосида амалга оширилди. Биз достоннинг туркий версияларини ўзаро қиёслаш орқали «ҳар бир халқ эпосининг кейинги даврларда ўзига хос тарзда ривожланганлигини»<sup>7</sup> аниқлаш имкониятига эга бўлдик.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида «Саётхон-Ҳамро» достонининг миллий версиялари ва вариантлари ҳақида билдирилган фикрлар жуда оз.

<sup>1</sup> Рўзимбоев С. Саъд ва Ҳамро / "Ошиқ туркуми" достонларининг гоъвий-бадий хусусиятлари. – Тошкент: ТДПИ нашриёти, 1987. – Б. 45-56; Шу муаллиф. «Саъд ва Ҳамро» / Ошиқнома, I китоб. – Урганч: "Хоразм", 2006. – Б. 343-бет; Мадаев А. Хорезмские дастаны и их специфические особенности. АКД. – Ташкент, 1973;

<sup>2</sup> Саъд ва Ҳамро. Нашрга таёрловчи Ж. Қобулниёзов. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 4-5.

<sup>3</sup> Бобожонова У. «Саъд ва Ҳамро» достонининг туркий версия ва вариантлари. – Тошкент: Ўқитув сўз. 2018. – Б. 140; Шу муаллиф. «Саъд ва Ҳамро» достонининг туркий версия ва вариантлари (Ўрта Осиё, турк ва озарбайжон версиялари): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2018.

<sup>4</sup> Бобожонова У. «Саъд ва Ҳамро» достонининг қорақалпоқ версияси / Тафаккур зиёси. XXVIII том. – Урганч. 2013. – Б. 46-49.

<sup>5</sup> Карриев Б.А. Эпос и дастаны (к вопросу об их взаимосвязи) // Известия АН Туркменстана. Серия общественных наук. – Ашхабад, 1973. – №6; Гарриев С. Туркмен эпосы, дастанлары ва гуздоғар халқларалық эпоси доредижилиги. – Ашхабад, 1982; Мамедязов Б. Туркманский народный дастан «Саъд и Ҳамро»: Автореф канд. дисс. – Ашхабад, 1963; Нәхмёв М. Азербайжан ашыг эдебияты. (qadimva orta asirlar). – Баку: «Yaziçi», 1983; Əliyeva F. Əmirah dastaninin türkman versiyasi: Genezisi ve formalashmasi. – Баку: Elm ve təhsil, 2011. – S.130; Bali M. Erciqli Emrah ile Selvi Han hikayesi: variantlarin tesbeti ve halk hikayeciliyi bakimindan onemi. – Ankara: Baylan. 1973. – s.302; Saka oğlu S. Erci Şli Emrah. – Ankara: Kültür ve turizm Bakanliğı Yayinlari, 1987. – S.15-20.

<sup>6</sup> Қарақалпақ фольклоры. Көптомлык. Т. XIV. «Ғарип-ашық», «Саётхан-Ҳамро». – Нөкис: Қарақалпақстан, 1985. – Б. 10

<sup>7</sup> Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1986. – Б. 82.

Масалан, қорақалпоқ олимларидан Н. Давқараев, Қ. Айимбетов, Қ. Мақсетов, С. Баҳадировлар ўз ишларида дostonнинг жанрий ўзига хослиги, баднийати, гоёси ва ижрочилари ҳақида айрим фикрларни билдириш билан чеklangан. Иккинчи-саргузашт дostonлар ҳақида У. Жақсимованинг «Юсуф-Аҳмад» дostonи бўйича тадқиқоти мавжуд.<sup>1</sup> А.Алимовнинг монографиясида ҳам ушбу дostonга («Саётхон-Ҳамро») қисқача характеристика берилган.<sup>2</sup> Ж. Хошнӣзов билан Ю. Байсағатовнинг «ЎзР ФА ҚҚ бўлимининг ахбороти» да эълон қилинган «Қорақалпоқ лиро-эпик дostonларининг пайдо бўлиши ва тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари»<sup>3</sup> деган мақоласида лиро-эпик дostonларнинг халқимиз орасида сақланиши, тарқалиши ва ижро этилишидаги ўзига хосликлар ҳақида сўз юритилиб, «Саётхон-Ҳамро» дostonи бўйича жиддий фикрлар билдирилган. Қўринадики, дoston қорақалпоқ версиясининг миллий ўзига хослиги, типологияси ва баднийати масалалар ҳозиргача монографик жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Диссертация мавзусининг тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши ЎзР ФА ҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига биноан ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқот қилиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** «Саётхон-Ҳамро» дostonи қорақалпоқ версиясининг ўзига хос табиати, анъанавий сюжетнинг генезиси ва бадний эволюциясини аниқлаш, мазкур дostonнинг туркий халқлар эпик ижодиётидаги турли версия ва вариантлари билан қиёсий типологиясини ойдинлаштириш ҳамда қорақалпоқ дostonчилигига хос миллий анъаналарнинг дoston баднийатидаги ўрнини кўрсатиб беришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Саётхон-Ҳамро» дostonининг қорақалпоқ версияси ва вариантларига алоқадор маълумотларни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш;

дostonнинг композицион қурилишини ўрганиш асносида эпик сюжетнинг пайдо бўлишидаги миллий омилларнинг ўрнини ойдинлаштириш;

дostonнинг образлар тизимини тасниф қилиш, асосий қаҳрамонлар ва ёрдамчи персонажлар талқинининг миллий ўзига хослигини аниқлаш;

«Саётхон-Ҳамро» дostonи сюжетининг Ўрта Осиё туркий халқлари фольклоридаги эпик талқинларини қорақалпоқ версиясига қиёсий-типология жиҳатдан ўрганиш;

<sup>1</sup> Жақсымова У.Ж. Қорақалпоқ халқ дostonи «Юсуф-Аҳмад»: генезиси, типологияси, бадний хусусиятлари. Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б. 22.

<sup>2</sup> Алимов А. Қорақалпоқ лиро-эпикалык дostonлари. – Нокис: Қарақалпоқстан, 1983. – Б. 85-92.

<sup>3</sup> Хошнӣзов Ж., Байсағатов Ю. Қарақалпоқ лиро-эпикалык дostonларининг дорелиу хам таралиу өзгешеликлери. // ЎзРИАҚБ Хабаршысы. – Нокис: 2011. – 3-сан. – Б. 49-53.



достоннинг шеърӣй қисмларида қорақалпоқ халқ лирикаси ва эпик шеър тузилишининг миллий хусусиятлари ўз ифодасини топганлигини асослаш;  
достоннинг бадний тилини тадқиқ этиш ва поэтик тимсолларнинг функционал-семантик хусусиятларини ойдинлаштириш.

**Тадқиқот объекти сифатида** «Саётхон-Ҳамро» достонининг ЎзР ФА ҚБ кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланаётган намуналари, достоннинг «Қорақалпоқ фольклори» кўптомлигининг XIV жилдида чоп этилган Минаж Матсапаев варианты (1985), «Қорақалпоқ фольклори» юз томлигининг 36-жилдида нашр қилинган достоннинг Жуман бахши варианты (2011) ва Қ.Мақсетовнинг шахсий архивида мавжуд бўлган Тенгел бахши Камалов вариантининг қўлёзма нусхасидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг предметини** «Саётхон-Ҳамро» достони қорақалпоқ версияси ва вариантларининг жанрий ўзига хослиги, миллий эпик анъанада тутган ўрни, композицион қурилиши ва образлар таркибининг типологияси, генезиси ва бадиияти ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, тарихий-генетик, этнофольклористик ва матний таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ ишқий-романик эпоси «Саётхон-Ҳамро» достони сюжетининг тарихий асослари мазкур эпос туркий версиялари билан муштарак негизга эга бўлса-да, достоннинг композицион тузилишини ташкил этувчи анъанавий мотивлар талқинида Оролбўйи эпик ареалининг этномаданий ўзига хослиги акс этиши аниқланган;

эпос поэтик структурасининг асосини ташкил этувчи гайриоддий туғилиш мотивининг генезиси қорақалпоқ халқи аجدодларининг анимистик мифологияси ва тотемистик эътиқодларига бориб тақалиши исботланган;

«Саётхон-Ҳамро» достони қорақалпоқ версиясидаги образлар тизими ва етакчи мотивлар таркибининг бадний талқинида миллий эпик анъана билан боғлиқ поэтик трансформация ўз ифодасини топганлиги далилланган;

достоннинг бадний тилида оғзаки эпик анъана билан «халқ китоблари» услубининг синтезлашиш жараёнига хос хусусиятлар кузатилиши аниқланган ҳамда эпос таркибидаги шеърӣй парчаларда қорақалпоқ халқ лирикаси ва эпик шеър тузилишининг таъсири мавжудлиги ойдинлаштирилган;

қорақалпоқ фольклоридаги «Саётхон-Ҳамро» достони мазкур эпоснинг ўзига хос миллий версияси сифатида шаклланганлиги ҳамда минтақа халқлари эпик ижодиётининг бевосита таъсирида эволюцион ўзгаришга учраб, мустақил эпик асар даражасига кўтарилганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

қорақалпоқ халқ достони «Саётхон-Ҳамро» мазкур эпоснинг ўзбек, туркман, озарбайжон фольклоридаги версиялари билан қиёсий ўрганилиб, унинг ўзига хос миллий хусусиятлари аниқланган;

достон сюжетининг шаклланишида лиро-эпик ва қаҳрамонлик достонларига хос эпик сюжет ва мотивлар конгаминацияси муҳим роль ўйнаганлиги оидинлаштирилган;

достондаги ижтимоий воқеликни ақс эттирувчи эпик тасвирнинг турли қатламлари аниқланиб, унда қорақалпоқ халқининг миллий ўзига хослиги, турмуш тарзи ва дунёқараши ўз ифодасини топганлиги далилланган;

достонда тасвирланган воқеаларнинг баёни ва ечимдаги трансформацион ҳолатларни ўрганиш асносида эпос образлар тизимини ташкил этувчи асосий қаҳрамонлар, кўмакчи ва рақиб персонажларнинг функциялари аниқланган;

достоннинг бадний тилидаги ўзига хосликлар халқ сўзлашув тили билан бирга ўғуз лаҳжасининг айрим элементлари мавжудлиги билан белгиланиши, шунингдек, мумтоз ёзма адабиёт поэтик услуби (Ажинияз, Маҳтумқули шеърляти) таъсирида шаклланган шеърлий парчаларнинг устуворлик қилиши, сюжет қурилишида боғлама типдаги ва воқнабанд характеридаги насрнинг юқро услублари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот объектининг аниқ белгиланганлиги, фойдаланилган назарий ва амалий маълумотлар, илмий ва амалий манбалар бўйича ишланган натижаларнинг қиёсий-тарихий, тарихий типологик, этнофольклористик ва матний таҳлил усулларига асосланганлиги достон бўйича чиқарилган хулосаларнинг тегишли ташкилотлар томонидан қабул қилинганлигида кўринади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қорақалпоқ ишқий-романик эпосининг миллий версияларини бошқа туркий халқлар достонлари билан қиёсий асосида қадимий достон сюжетларининг эпик миграцияси ва поэтик трансформацияси жараёнлари оидинлаштирилади. Достоннинг қорақалпоқ версиясидаги образлар тизимининг миллий ўзига хослиги ва типологик хусусиятларини кўрсатиш эса асарнинг бадний хусусиятларидаги халқчиллик ва мумтоз адабиётга хос ижодий усулардан фойдаланиш анъанасининг таъсири аниқланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ўқув юртиларида қиёсий адабиётшунослик ва қорақалпоқ фольклори фанларидан маърузалар ўқиш, бу йўналишларда дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш, қорақалпоқ романик достонлари мавзусида махсус курслар ташкил қилиш, халқ достонларининг илмий-академик, оммабоп ва мактаблар учун мўлжалланган нашрларини тайёрлашда манба вазифасини бажариши, шунингдек, талабаларнинг курс ва диплом ишларини бажаришда қўшимча материаллар сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Саётхон-Ҳамро» достони қорақалпоқ версиясининг миллий ўзига хослиги, тарихий-генетик асослари ва поэтикасини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

«Саётхон-Ҳамро» достонининг ёзиб олинishi, нашр этилиши ва ўрганилиши тарихи, қорақалпоқ версияси сюжетининг шаклланиши, туркий версиялар билан қиёсий-типологияси ва бадний ўзига хослигига доир фактик

материаллари ҳамда илмий-назарий умумлашмаларидан ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 17 декабрдаги 17.01/154-сонли маълумотномаси). Натижада ишқий-романик дostonларнинг қорақалпоқ фольклоршунослигида ўрганилиши тарихига доир илмий-назарий қарашлар янги маълумотлар билан бойитилган ва такомиллаштирилган.

«Саётхон-Ҳамро» дostonининг қорақалпоқ бахшилари репертуаридаги вариантлари, ижрочиларнинг бадий маҳорати, эпик сюжетнинг талқин қилиш иқтидори ва дostonларнинг юкро усуллари ҳақидаги илмий қарашлари ва хулосаларидан Қорақалпоғистон Республикаси Бердақ миллий музейида халқ оғзаки бадий ижодига оид махсус кўргазма стендларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 4 декабрдаги 2-03/1523-сонли маълумотномаси). Дostonнинг таниқли ижрочилари Минаж Матсапаев ва Жуман бахши вариантлари ҳақидаги фотоматериалларга изоҳлар тарзида ёзилган илмий шарҳларни тарғиб этиш натижасида музейга ташриф буюрувчиларнинг халқ эпоси ҳақидаги билимини оширишга эришилган;

«Саётхон-Ҳамро» дostonининг ўзига хос хусусиятлари, бахшилар эпик репертуарида тутган ўрни ва унинг қорақалпоқ халқи бадий тафаккури тараққиётидаги аҳамиятига доир илмий-назарий хулосаларидан Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг «Мерос», «Улти тулғалар», «Эркин фикр» ва бошқа дастурларини тайёрлашда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 декабрдаги 01-02 265-сонли маълумотномаси). Натижада халқ дostonларида ўз ифодасини топган эзгу гоёларнинг ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдаги аҳамияти ва таълим-тарбия жараёнида фольклор материалларидан фойдаланишнинг янги методлари ҳақида кенг томошабинлар аудиториясига маълумотлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация натижалари 2 халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, хорижий журналларда 1 та, республика журналларида 5 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулосалар ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 153 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Саётхон-Ҳамро» достонининг композицион типологияси деб номланган. Унинг илк фаслида «Саётхон-Ҳамро» достонининг қорақалпоқ версияси»га хос специфик хусусиятлар таҳлил қилинган.

Ишқий-саргузашт достонларининг қорақалпоқ халқи орасида пайдо бўлиши ва кенг оммаланиши хусусида турли фикрлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари бир-бирга зид келади. Масалан, профессор Қ. Айимбетовнинг фикрича, қорақалпоқлар орасида бахшилар жировлардан анча кейин, қорақалпоқлар Хоразм минтақасига кўчиб келиб жойлашгандан сўнг пайдо бўлган<sup>1</sup>. Таниқли олим Н. Давқараевнинг таъкидлашича, «Бахшилар мазкур достонларни эски қўлёзма услубида эмас, балки қорақалпоқ халқининг менталитетига мослаган ҳолда қайта ишлаб, муайян ўзгаришлар киритиб, баъзан сюжетни қисқартириб ижро қилишган. Ушбу достонларнинг аксариятини бахшилар қорақалпоқлар орасида XIX асрда яшаган туркман достончиси Суяв бахши ва хоразмлик Эшбой бахшилардан ўрганиб, уларнинг услубида ижро қилишган»<sup>2</sup>.

Таниқли қорақалпоқ эпосшуноси профессор Қ. Мақсетов бу типга мансуб достонларнинг қорақалпоқлар орасида тарқалиши масаласига тўхталиб шундай ёзади: «Қорақалпоқ бахшилари ўзбек, туркман бахшилари билан ҳамиша ижодий алоқада бўлган. Хоразм ўзбеклари ҳамда Хоразмда яшаган туркманлар орасида кенг тарқалган «Саётхон-Ҳамро» достони ҳам бир ҳудудда яшаб, ижод қилган бахшилардан устоз-шоғирдлик аёнанаши асосида ўзлаштирилиб, қорақалпоқ халқ оғзаки ижодига сингиб, ҳақиқий маданий мулкка айланиб кетган»<sup>3</sup>.

«Саётхон-Ҳамро» достонининг қорақалпоқ версияси бошқа миллий версиялар сингари бир қанча вариантларга эга. Шулардан Жуман бахши Тўраев, Минаж Матсапаев, Қаражан Қабулов, Амет бахши Тарийхов вариантлари ҳозирда ЎзР ФА ҚБ кутубхонасининг фондида сақланмоқда. Минаж Матсапаев варианты 1985 йилда «Қорақалпоқ фольклори» кўп томлигининг XIV жилдида, Жуман бахши Тўраев варианты 2011 йилда «Қорақалпоқ фольклори» 100 томлигининг 36-жилдида чоп этилган. Қўлёзма тарзида сақланаётган Қаражан Қабулов, Амет Тарийхов вариантлари

<sup>1</sup> Айимбетов Қ. Халқ дондлығы. – Нокис: Қарақалпоқстан, 1988. – Б. 126.

<sup>2</sup> Мақсетов Қ. Қарақалпоқ халқининг қорқем аўмлекси дореттелери. – Нокис: Ёғилы, 1996. – Б. 261.

<sup>3</sup> Мақсетов Қ. Кўрсатилган асир. – Б. 290-291.

ҳалигача эълон қилинмаган. Тенгел бахши Камалов варианты эса Қ. Мақсетовнинг шахсий архивда сақланмоқда.

Мазкур бобнинг иккинчи фасли «Достон воқеаларининг бошламасига хос типологик хусусиятлар» деб номланган. Халқ эпосининг ҳар бир намунаси ўзига хос композицион қурилишга эга бўлиб, сюжет тузилиши, мотивлар тизими ва уларнинг муайян бадиий қонуниятлар асосида жойлашиши билан бир-биридан фарқ қилади.

Достоннинг қорақалпоқ версияси воқеалар ўрнини баён қилишдан бошланади: «Ҳазар элининг Ганжиқорабаг деган шаҳрида икки дўст бўлган экан»<sup>1</sup>. Ёки: «Қадим айёмда Озарбайжон вилоятида Ошиқ Аҳмад, Ошиқ Момут деган икки дўст бўлган экан»<sup>2</sup> каби хошиявий формулалар билан бошланиб, қаҳрамонларнинг эпик биографияси ҳақида маълумотлар берилади. «Булар умрини ошиқлик билан ўтказган экан. Шу сабабли Ошиқ Аҳмад, Ошиқ Момут деган лақабга эга бўлган эканлар»<sup>3</sup>.

Достоннинг ўзбек фольклоридаги версиясида Ошиқ Аҳмад билан Ошиқ Маҳмуд бир-бирига яқин оғайни кишилар бўлиб уларнинг созадалиқ хунари бўлмайди<sup>4</sup>. Туркман версиясида ҳам персонажларни сифатловчи «ошиқ» сўзи қўлланилмайди ва уларнинг бири подшо бўлса (Аҳмад), бири вазир (Маҳмуд) тарзида баён қилинади<sup>5</sup>. Версияларнинг барчасидаги анъанавий бошламада муштараклик мавжуд бўлишига қарамасдан ҳар бир версия ўзига хос миллий ўзгачаликларга эга ҳолда намоён бўлади.

«Саётхон-Ҳамро» достонининг муқаддимасида бефарзандлик мотиви тилга олинади. «Буларнинг иккиси ҳам ўғил кизи йўқ бефарзанд эдилар»<sup>6</sup>. «Улар қирқ ёшга етдилар. Бироқ ҳеч бириси фарзандга эга бўлмади»<sup>7</sup>. Бефарзанд оталар анча ёшга кирганларидан кейин зурриёд ҳақида қайғуриб, ўзларига илоҳий кучлардан фарзанд кўриш учун ёрдам сўрашади. Бу мотив қорақалпоқларнинг бир қатор достонларида ҳам учрайди. Мазкур мотив асосига қурилган эпик сюжетлар жаҳон халқлари эпосидаги типологик хусусиятлардан бири ҳисобланади<sup>8</sup>. Бундан 2500 йил бурун яратилган «Маҳабҳорат» ва «Рамаёна» сингари қадимги хинд эпосидаги бефарзанд оталарнинг ҳомий кучларга мурожаати<sup>9</sup>, ўрта аср ўғуз эпоси «Китоби дадам Қўрқуд»нинг «Бамси Бейрак» шаҳобчасидаги фарзанд тилаш мотиви<sup>10</sup> ва бошқа шу сингари асарлар бунга мисол бўла олади.

<sup>1</sup> Қарақалпоқ фольклори. Көп томлик. Т. XIV. Ғарп-ашық. Саятхан-Ҳамира. – Нокис: Қарақалпоқстан, 1985. – Б. 191.

<sup>2</sup> Қарақалпоқ фольклори. Көп томлик. Т. 36. Саятхан-Ҳамира. – Нокис: Илим, 2011. – Б. 255.

<sup>3</sup> Уша жойда.

<sup>4</sup> Саёт ва Ҳамро (достон). – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 14.

<sup>5</sup> Хурлукга и Хемра, Саят и Хемра (туркменский романтический эпос). – М.: ГРВЛ, Наука, 1971. – С. 112.

<sup>6</sup> Қарақалпоқ фольклори. Көп томлик. Т. 36. Саятхан Ҳамира. – Нокис: Илим, 2011. – Б. 255.

<sup>7</sup> Қарақалпоқ фольклори. Көп томлик. Т. XIV. Ғарп-ашық. Саятхан-Ҳамира. – Нокис: Қарақалпоқстан, 1985. – Б. 191.

<sup>8</sup> Жирмунский В. М., Зарипов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 79.

<sup>9</sup> Рамаёна (кадмий хинд эпоси). – Тошкент: 1978. – Б. 24.; Ильин. Г. Ф. Старинное индийское сказание о героих древности. «Махабхарата». – М., 1958. – С. 16.

<sup>10</sup> Книга моего деда Коркута. Огузский героический эпос. Перевод академика В. В. Бартольда. – М.-Л.: Издательство АН СССР, 1962. – С. 32.

Достоннинг ўзбек версиясида бефарзанд оилага зурриёд ато этилиши «Иккиси бир бирига яқин қариндош эрди. Уларнинг хотини ҳомилали эрди. Бир кечада иккиси ҳам фарзандли бўлди»<sup>1</sup> тарзида баён этилган. Достоннинг туркманча версиясида ҳам худди шу эпик клише такрорланган бўлиб, бахши тилидан «Гўнлерден бир гун Ахмет ханың бир оғлы болды. Андан соң бир гун везирин хем гизы болды»<sup>2</sup> шаклида хабар берилади. Туркман версиясидаги бефарзанд қахрамонларнинг бири подшо, иккинчиси вазирдир. Эпик сюжет бошламасига хос хусусиятларга асосланган ҳолда қорақалпоқ версиясида достонининг мазмунида ғайриоддий тугилиш мотивининг кадимий талқинлари акс-садосини кўрамыз.

Қорақалпоқларнинг «Саётхон-Ҳамро» достонидаги мазкур муқаддима ҳам ушбу сюжетнинг туркий эпик анъанадаги талқинларига монанд ҳолда миллий эпик анъана таъсири яққол кўзга ташланади. Масалан, туш мотиви «Саётхон-Ҳамро» достонининг барча версияларида барқарор сақланган. Туркман ва ўзбек версияларида ушбу эпизод савдогарнинг Ҳамрога Саётхон ҳақида хабар беришидан бошланади<sup>3</sup>. Турк вариантларида эса Эмрах теракнинг остида ётган ҳолда туш кўради. Тушида оқ соқолли пир бир коса шароб беради. У Эмрахга қараб: «Буни ич, бу ишқ шаробидир. Сен Мирўгли кизи Селвига кўнгил кўй», дейди<sup>4</sup>. Ушбу лавҳа айрим ўзгачаликлар билан озарбайжон версиясининг Ошиқ Хўжа вариантыда ҳам такрорланади<sup>5</sup>. А. Ахундов ёзиб олган озарбайжон версиясида Амрах Саётнинг расмини кўргандан кейин унга ошиқ бўлиб қолади ва ёрини излаб сафарга чиқади<sup>6</sup>. Умуман, мазкур достоннинг сюжетидаги туш кўриш мотиви миллий версияларда типологик жиҳатдан муштарак эпик талқинга эгаллиги билан характерланади.

Достонларда одатда, қахрамон сафарга отланишдан олдин ота-оналаридан рухсат олиб, яқин қариндошлари билан хайрлашиб кетиши анъанага айланган. Фарзанд сафарининг хайрли бўлиши ўша фарзанднинг отасидан фотиҳа олиб кетиши билан узвий боғлиқдир. Ҳамро отаси, онаси ва турмуш ўртоғи Сарбинознинг қаршилик кўрсатишларига қарамай уларнинг розилигини олишга эришади<sup>7</sup>.

Умуман олганда, «Саётхон-Ҳамро» достони сюжетининг бошламаси билан боғлиқ эпик мотивлар эпос композицион структурасининг шаклланиши учун асос вазифасини ўтаган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Достон воқеаларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларига хос типологик муштаракликлар»ни ўрганишга бағишланган.

<sup>1</sup> Саёт ва Ҳамро (достон). – Тошкент: Фан, 1964. – Б.14.

<sup>2</sup> Хурлуқга и Хемра, Саёт и Хемра (туркменский романтический эпос). – М.: ГРВЛ, Наука, 1971. – С.112.

<sup>3</sup> Ушбу иванба.

<sup>4</sup> Anadolu Halk Hikayelleri / Kultur Ajans Veginleri. – Ankara, 2003. – № 4. – p. 15-20.

<sup>5</sup> Əliyeva F. Əmirah dastanininin tu'rkman versiyasi: genezisi ve formalasmasi. – Bakiy: Elm ve ta'bil, 2011. – B. 136-157.

<sup>6</sup> Ушбу иванба. – Б.158-159.

<sup>7</sup> Қарақалпоқ фольклоры. Көп томлақ, Т.36. Саётхан-Ҳамро. – Навоё: Илм, 2011. – Б. 256-259.

«Саётхон-Ҳамро» достонда воқеалар ривожини Ҳамронинг тушида севиқли ёрнини кўриб, уни излаб сафарга чиқини билан бошланади. Қахрамон бевосита хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ қийинчиликлардан кўра рухий-маънавий синовларга кўпроқ дучор бўлади.

Достонда персонажлар фаолияти билан боғлиқ эпик баён ифодаси бевосита Ҳамронинг хатти-ҳаракатлари билан алоқадор бўлса-да, асосий ҳаракат унинг отаси Ошиқ Аҳмад зиммасига тушади. Ошиқ Аҳмад ўз ўғли билан бирга Саётхонни излаб кетади. Ўз фарзандига кўз-қулоқ бўлиб, “ҳомий куч” тимсоли сифатида унинг қошида юриши барча версияларда деярлик бир хилда намоён бўлади.

Достоннинг қорақалпоқ версияси талқинида биз Ошиқ Аҳмаднинг асосий мақсади уйланиш эмас, балки фарзандини хавф-хатардан асраш эканлигини, яъни ўглининг ўз мақсадига етишиши учун йўл очишдан иборатлигини англаймиз.

Достоннинг ўзбек версияси бўйича тадқиқот олиб борган У. Бобожонова «бу образ достон воқеларини ҳаракатга келтиришда асосий роль ўйнайди. Унинг Саётхон боғига киришдаги ҳаракатлари, қип ялонғоч бўлиб сув қувурига тиқилиб қолиши, канизак қизлардан калтак сийиши достонда жуда жонли кулгили тарзда баён этилган», – деб тўғри хулосага келган<sup>1</sup>.

«Саётхон-Ҳамро»нинг қорақалпоқ версиясида ошиқ-маъшукларнинг бир-бирини кўриб беҳуш бўлиб йиқилишлари баён қилинганидан кейин уларнинг ички рухий кечинмалари маҳорат билан тасвирланган<sup>2</sup>. Достоннинг ўзбекча ва туркманча вариантларида «Ҳамронинг қора кўзига (...) Саётхоннинг кўзи тушиб, беҳуш бўлиб йиқилди... Ҳамро масту беихтиёр бўлиб қолди»<sup>3</sup>, «Саятханың ақылы дал болды ... хуши бошиндан учди ... Ҳемра хем ... Саят ханның йузини гөрди, биыгтыяр болуп дурды»<sup>4</sup>, деб таъриф этилади. Ушбу тасвир романик характердаги халқ достонлари учун умумий типологик ҳолатдир.

Гўзаллик категориясига хос поэтик ифода воситалари халқ достонларида йигит ва қизга нисбатан бир хил тарзда талқин қилинади. Дарҳақиқат, қайси бир достонга разм солсак ундаги образларнинг гўзаллиги бири-биридан ортиқ даражада сулув қилиб тасвирланади<sup>5</sup>.

Достоннинг композицион тузилишига асос бўлган сюжет ва мотивларни ўзига сингдириб муайян ўзгаришлар билан эволюцион тарзда миллий хусусиятларни ифодалаган ҳолатда кўзга ташланади.

Биринчи бобнинг тўртинчи фасли «Достондаги кульминацион ечимлар типологияси» деб номланган.

<sup>1</sup> Бобожонова У.Б. «Саят ва Ҳамро» достонининг туркий версия ва вариантлари (Ўрта Осиё, турк ва Озарбайжон версиялари). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б.22.

<sup>2</sup> Қарақалпоқ фольклори. Кеп томлык. Т.ХIV. Ғарип-ашық Саятхан-Ҳамро. – Нөхис: Қарақалпоқстан, 1985. – Б. 211.; Қарақалпоқ фольклори. Кеп томлык. Т.36. Саятхан-Ҳамро, – Нөхис: Илм, 2011. – Б.268.

<sup>3</sup> Саят ва Ҳамро (достон). – Тошкент: Фақ, 1964. – Б. 34.

<sup>4</sup> Хурлукга и Хемра, Саят и Хемра (туркменский романический эпос). – М.: ГРВЛ, Наука, 1971. – С.128.

<sup>5</sup> Тюрколог олим А. Вамбери Ҳамронинг «татар Адониси» деб баҳолаган. Қаранг: Мирбадалева В.С. Предисловие / Хурлукга и Хемра, Саят и Хемра (туркменский романический эпос). – М.: ГРВЛ, Наука, 1971. – С.36.

«Саётхон-Ҳамро» дostonи композицион қурилишининг финал қисми асар сюжетини ташкил этган эпик воқеалар мазмунини хулосалаш характерига эга. Дostonдаги Саётхоннинг отаси Маматхан кизининг нима ишлар билан машғул эканидан беҳабар бўлади. Дostonнинг қорақалпоқ версиясидаги ушбу воқеалар марказида Маматхоннинг ўзи туради ва кизининг изидан ўзи бошчилигидаги кўшин билан (вариантларда 40 аскар билан) қувнишга тушади. Ўзбек версиясининг 1914, 1964 йилларда эълон қилинган тошбосма нусхаларда эса Саёт ва Ҳамро ўз элига қайтиб келаётганларида уларнинг изидан Саётхоннинг отаси катта лашкар билан қувиб етади ва киз отасининг лашкари билан жанг қилиб ғалабага эришади. Бу ҳақда дoston тадқиқотчиси У.Бободжонова шундай ёзади: «Улар (Саёт ва Ҳамро) оғзаки вариантда оддий ошиқ-маъшуклар тарзида кўзга ташлансалар, бу вариантда улар қаҳрамонлик дostonларига хос эпик образларни эса солувчи фаолиятлари билан киши эътиборини тезда жалб қилишади»<sup>1</sup>. Туркман версиясининг 1960 йилда эълон қилинган нусхасида ушбу вазият ечими бутунлай бошқа тарзда ҳал қилинади. Саётхоннинг отаси Маматхан подшо Абдуллахон лашкарлари билан жанг қилиб турган пайтда Саётхон ва Ҳамро унга ёрдам беришади. Маматхан кизи ва куёвининг ёрдамида ғалабага эришгандан кейин уларнинг тўйига розилик билдиради<sup>2</sup>. Озарбайжон версиясида Саётхоннинг отаси Амрахни зиндонга ташлайди, аммо Саёт ўз ёриги зиндондан озод қилишга эришади<sup>3</sup>. А.Ахундов вариантыда подшо Амрахни ўлимга ҳукм этади. Сарой хизматкорлари Амрахнинг чин ошиқ эканлигин айтиб, уни ўлимдан олиб қолишади. Подшо «чин ошиқ бўлсанг менинг тарлонимни таърифлаб бер», деб буюради. Қаҳрамоннинг санъатига қойил бўлгач, подшо Амрахнинг гуноҳини кечиради<sup>4</sup>.

Бу мотив Ўрта Осиё версияларига хос типологик муштаракликлар аста-секин маҳаллий шароитларга мослашганлигидан дарак беради.

Саётхон билан Ҳамронинг ўз элига қайтиб келаётганларида йўлтўсар(барзанги)лардан ўч олишлари, яъни уларни хийла билан ўлдириш мотиви туркман версиясининг айрим вариантларида сақланган<sup>5</sup>. Ўзбек версиясининг тошбосма нусхаларида эса ушбу мотив Саётхоннинг йўлтўсарларга дуч келиб, улар билан жанг қилиб ғалабага эришиши лавҳаси билан яқунланади<sup>6</sup>.

Дostonнинг туркман ва ўзбек версиялари сюжетларидаги батафсиллик ва яқунланма қисмининг пухта ишланганлигини эътироф этиш зарур. Уларда ҳикоя қилинган воқеалар ўзининг ҳар томонлама тўлиқ ечимига эга бўлган.

<sup>1</sup> Бободжонова У.Б. «Саёт ва Ҳамро» дostonининг туркий версия ва вариантлари (Ўрта Осиё, турк ва Озарбайжон версиялари). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 33.

<sup>2</sup> Кербобев Б. Сөз башы / Саётлы Ҳамро. – Ашгабат: Туркмендов, 1960. – Б. 3-8.

<sup>3</sup> Əliyeva F. Əmiral dastaninin tu'rkmən versiyasi: genezisi və formalaşması. – Bakı: Elm və təhəl, 2011. – Б. 136-157.

<sup>4</sup> Ушбу асар. – Б. 158-159.

<sup>5</sup> Кербобев Б. Сөз башы / Саётлы Ҳамро. – Ашгабат: Туркмендов, 1960. – Б. 128.

<sup>6</sup> Бободжонова У.Б. «Саёт ва Ҳамро» дostonининг туркий версия ва вариантлари (Ўрта Осиё, турк ва Озарбайжон версиялари). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент, 2018. – Б. 31-32-б.



Достон воқеаларининг бошланиши, шаклланиши, ривожланиши ва ечимин босқичларидаги типологик хусусиятлар қорақалпоқ халқининг миллий эпик дунёқарашига тўла жавоб беради ва композицион бутунлигини таъминлайди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «Саётхон-Ҳамро» достони образлар тизимининг типологияси» деб номланган бўлиб, унинг биринчи фасли «Достондаги асосий ва ёрдамчи персонажлар типологияси» таҳлиliga бағишланган.

Қорақалпоқ халқ романик достонларидаги асосий образлар ошиқлар ҳисобланади. Уларнинг қуроли дутор билан ўз ички туйғуларини, дунёқарашларини баён этадиган сўз ва соз ҳамда бахшилик ҳунарига эгаллиги билан кўзга ташланади.

«Саётхон-Ҳамро» достонидаги Ҳамро образининг эпик талқини ва унинг ёр излаб сафарга чиқиши воқеалари ислом динининг таъсиридаги кўп хотинлилик ғояси билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас<sup>1</sup>. Ҳақиқатдан ҳам феодал жамиятда хотин-қизларга бўлган муносабатнинг кескин ўзгаришга учраганлиги, аёллар ҳуқуқи камситилганлиги маълум<sup>2</sup>. Масалан, достоннинг қорақалпоқ версиясида хотин устига хотин олишни Ҳамро жамиятда шакланган одат сифатида тушунади Унинг хотини Сарбиноз эса бундай ҳаракатларга мутлақо қаршидир. Сарбинознинг бу ҳолатга қаршилик кўрсатиши ўша давр ижтимоий воқелигининг одатдаги қонун-қоидаларини ўзида ифода этади. У феодал жамият талабларининг қурбонига айланган. Қанча ҳаракат қилмасин, у суюкли эрини ўз мақсадидан орқага қайтара олмайди. Бу персонажнинг ана шу тарздаги эпик талқини мазкур достоннинг барча Ўрта Осиё версиялари учун типик ходисадир.

Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам Ҳамро образи руҳий-маънавий жиҳатдан икки қутблилик хусусиятига эга. Бу образ ҳақида Ж.Қобулниёзов ва С.Рўзимбоевлар ўзларининг фикрларини билдириб ўтишган<sup>3</sup>. Турқман фольклоршунослари ҳам Ҳамро образига тўхталганда унинг бошқа романик достонларидаги муқобилларидан муайян даражада фарқланиб туришини таъкидлашади<sup>4</sup>. Бироқ, Ҳамро ўта салбий образ эмас, балки у ҳақиқий ошиқлик андозасига бел боғлаган талантили созанда-қўшиқчи, бадиҳагўй шоир сифатида ижобий фазилатларга эга бўлган персонаждир. Достоннинг бош қаҳрамонига хос сифатларни Саётхоннинг фаолиятида ҳам кўра оламиз. У достоннинг муқаддимасида Ҳамронинг тушига кириб, ўзининг кимлиги ва қаерда истиқомат қилишини баён этиб йигитнинг кўнглига ишқ оташини солади. Ўзи билмаган ҳолатда оилали йигитнинг дилига муҳаббат оловини солишга қодир қиз. Достонда тасвирланишича, у магрибдан порлаб чиққан қуёш, қирқ каниз (айрим версия ва вариантларда 360 каниз) билан бирга яшаётган қизлар сардори. Йигитларни синай олиш фаросатига эга, баъзан

<sup>1</sup> Мирбадалева А.С. Туркменский романтический эпос. / Хурлукча и Хемра, Саёт и Хемра (туркменский романтический эпос). – М.: ГРВЛ, Наука, 1971. – С.33.

<sup>2</sup> Алымов А. Карақалпақ лиро-эпикалык дэстанлари. – Нокис: Карақалпақстан, Н. 1983. – Б. 85.

<sup>3</sup> Қобулниёзов Ж. Сўзбоши / Саёт ва Ҳамро (достон). – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 9-10.

<sup>4</sup> Мирбадалева А.С. Туркменский романтический эпос. / Хурлукча и Хемра, Саёт и Хемра (туркменский романтический эпос). – М.: ГРВЛ, Наука, 1971. – С.33.

гумондор, бирок ишонувчан, олдинда юз берадиган кийинчиликларни фахмлай оладиган, уларга қарши ўз вақтида бирор илож топа оладиган, ҳаётда мурод-мақсадига эришиш учун ҳамиша тайёр турган образдир.

Худди шундай хусусиятга эга бўлган образ сифатида гавдаланадиган, Саётхонга типологик жиҳатдан мос тушадиган тимсол турк версиясининг Арзирум вариантыда иштирок этадиган Селвининг канизи Нозлидир. Унда Эмрах Селвидан бурун Нозлининг гўзаллигини мақтайди. Селви эса Нозлини канизларга буюриб калтаклатади. Эмрахни ҳайдаб юборади<sup>1</sup>. Шунингдек, Бадам каниз (қорақалпоқ вариантыда), Нозли (турк вариантыда), Оқчакиз (озарбайжон вариантыда), Бону (ўзбек вариантыда) дoston образлар тизимидаги кўмакчи персонажлар сифатида иштирок этишади. Улар Саётхон образининг бадний ифодасини янада юксалтирадиган тимсоллар бўлиши билан бир қаторда, кундалик ҳаёт факторларининг типиклашган кўринишлари ҳамдир.

Маълумки, халқ дostonларида муайян даражада воқеалар ривожини доирасида афсонавий характердаги образлар ҳам учрайди. «Саётхон-Ҳамро» дostonида (қорақалпоқ версиясида) афсонавий ҳомий-пирлардан мадад тилаш мотивларидан жуда оз фойдаланилганини қайд этиб ўтиш зарур. Романик дostonларда жисмоний курашлар камдан-кам ҳолатларда кўзга ташланади, матнларга разм ташланса, Али-Шоҳимардон образи биз сўз юритаётган дostonларда фарзанд ато қилувчи ҳомий сифатида кўзга ташланса, қаҳрамонлик дostonларида у бундан ташқари сафарда кийинчиликка дуч келган қаҳрамонга ҳомийлик қилади, баъзан шифо берувчи табиб тарзида намоён бўлади<sup>2</sup>. Дostonдаги бундай образлар аслида эпик ҳомий типининг генетик асослари қадимий аждодлар култи, анимистик ва тотемистик ишончлар билан боғланади.

Иккинчи бобнинг кейинги фасли «Дostonдаги воқеаларни кескинлаштирувчи образлар типологияси»ни ўрганишга бағишланган.

Кўламдор эпик асарлар мазмунининг ҳам баднийлигини, ҳам типологик ва ғоявий юксаклигини аниқлаш учун ёрдам берадиган образлардан бири воқеалар ўртасида интрига (карама-қаршилиқ) келтириб чиқарувчи персонажлардир. Яъни, бундай персонажлар кўп ҳолларда қаҳрамоннинг ҳаракатларига қарши қаратилган бўлиб, унинг ўз ниятларига етиши йўлида турли кийинчиликларни юзага келтириб, тўсиқлар пайдо қилишади.

Масалан, Саётхон билан Ҳамронинг ҳаракатлари отаси Маматхонга маъқул келмаганлигидан подшо севишганларнинг душманига айланади. Феодал жамият ҳукмронлиги даврида подшо образи социал-сиёсий тенденцияларнинг ёрқин кўринишларини ифодалайди ва аксарият ҳолларда асар қаҳрамонининг рақиб сифатида намоён бўлади<sup>3</sup>. Подшо образи халқ

<sup>1</sup> Anadolu Halk Hikayeleri / Kultur Ajans Veginleri. – Ankara, 2003. – № 4. – S. 15-20;

<sup>2</sup> Əliyeva F. Əmrah dastaninin tu'rkman versiyasi: genezisi ve formalasmasi. – Baxay: Elm ve ta'bil, 2011. – S. 185-189.

<sup>3</sup> Жириунский В. М. Тюркский героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1974. – С. 150-152, 309, 623.

<sup>4</sup> Жириунский В. М., Зарипов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 402.

тасавурида шаклланиб, унинг ҳаракатларига ижобий ёки салбий тарзда баҳо берилади.

Достондаги Саётхоннинг узукнинг кошени ўк билан отиб тушириши мотиви асар воқеалари тугунини счиш мақсадида киритилган сюжет элементларидан биридир. Достоннинг сюжет тизимини шакллантирадиган эпизодларда реализм анча кучли баён этилиб, қаҳрамонлар бошидан кечираётган воқеа-ҳодисалар комплекси халқ тарихининг бадий ифодаси сифатида намоён бўлади<sup>1</sup>.

«Саётхон-Ҳамро» достонидаги воқеаларга кескинлик тусини берадиган лавҳалардан бири барзангилар билан учрашув мотивидир. Бу сахнада қаҳрамоннинг хавф-хатардан қутилиши дуо сингдирилган узук воситасида амалга ошади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ўша узук асар қаҳрамонлари тақдирининг ижобий натижа билан яқунланишига хизмат этади. Достоннинг қорақалпоқ версияси ҳақида фикр юритган У.Бобожонова «Ҳамронинг Саётхон билан йўл-йўлакай саргузаштлари ўзбек вариантларидагига қараганда анча кўп тафсилотларни ўз ичига қамраб олади», деган хулосага келади<sup>2</sup>.

Қорақалпоқ, ўзбек, туркман ва озарбайжон версияларидаги асосий қаҳрамонлар образлари ҳар бир миллатнинг ўзига хос дунёқараши, бахшиларининг ижро усули, бадихағўйлик санъати ва эпик анъана тамойиллари мавжудки, ушбу нарсалар бадий тасвирда типологик хусусиятлар билан бирга образларда алоҳидалик хусусиятларини ҳам намоён қилади.

Тадқиқотнинг «Саётхон-Ҳамро» достони қорақалпоқ версиясининг бадийидаги типологик хусусиятлар» номли учинчи бобининг биринчи фаслида «Достон шеърӣ тузилишининг типологик хусусиятлари» ўрганилган.

Достонда қорақалпоқ тили билан бир қаторда ўзбек ва туркман тиллари лексикасига оид сўзлар ҳам кўплаб учрайди. Бу ҳолат табиий бўлиб, достон ўша халқлар орасида ҳам кенг тарқалган, мазмунан ҳам ўзаро мос келади. Бу ҳолатнинг яна бир асосий сабаби ўша халқларнинг ёнма-ён яшаши ва турмуш тарзларининг ўхшашлигидир.

